

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ХОДИСАСИ- ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Султонова Машхура Рустамбоевна

Урганч давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7271879>

Annotatsiya. 1950 yilda BMT Bosh Assambleyasi "Ayollarga nisbatan zo'ravonlikka barham berish to'g'risidagi deklaratsiya"ni (1979) qabul qildi. Zo'ravonlik hodisasining turlicha tasniflanishining sababi shundaki, u juda murakkab tuzilishga ega. Zo'ravonlikning jismoniy, jinsiy, psixologik, iqtisodiy turlari mavjud bo'lsa-da, psixologik mahrumlik va e'tiborsizlik, o'z-o'zini nazorat qilishning buzilishi, turli darajadagi shaxslararo va jamoaviy muammolar kabi sabab va oqibatlar mavjud. Shuningdek, u ko'p o'lchovli xatti-harakatlar to'plami bo'lish xususiyatiga ega. Zo'ravonlik harakatlari sodir bo'ladigan "ijtimoiy o'zaro ta'sir konteksti" turlari bo'yicha; insoniy, shaxslararo va jamoaviy darajalar sifatida tasniflanishi mumkin.

Kalit so'zlar: zo'ravonlik, gender, psixologik muammo, tajovuz, kurashish strategiyasi, psixologik himoya, psichoanaliz, zo'ravonlik turlari, shaxsiy zo'ravonlik, jamoaviy zo'ravonlik, o'z joniga qasd qilish harakati, psixologik mexanizm

НАСИЛИЕ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН-ДЕВОЧЕК КАК СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Аннотация. В 1950 г. Генеральная Ассамблея ООН приняла «Декларацию об искоренении насилия в отношении женщин» (1979 г.). Причина различных классификаций феномена насилия заключается в том, что он имеет очень сложную структуру. При наличии физического, сексуального, психологического, экономического видов насилия существуют причины и последствия, такие как психологическая депривация и безнадзорность, нарушение самоконтроля, межличностные и коллективные проблемы на различных уровнях. Он также обладает свойством быть многомерным набором поведений. О типах «контекста социального взаимодействия», в котором происходят насильственные действия; можно разделить на человеческий, межличностный и коллективный уровни.

Ключевые слова: Насилие, пол, психологическая проблема, агрессия, копинг-стратегии, психологическая защита, психоанализ, виды насилия, личное насилие, коллективное насилие, суицидальное поведение, психологический механизм.

VIOLENCE AGAINST WOMEN-GIRLS AS A SOCIAL-PSYCHOLOGICAL PROBLEM

Abstract. In 1950, the UN General Assembly adopted the "Declaration on the Elimination of Violence against Women" (1979). The reason for the different classifications of the phenomenon of violence is that it has a very complex structure. While there are physical, sexual, psychological, economic types of violence, there are causes and consequences such as psychological deprivation and neglect, violation of self-control, interpersonal and collective problems at various levels. It also has the property of being a multidimensional set of behaviors. On the types of "context of social interaction" in which violent acts occur; can be classified as human, interpersonal and collective levels.

Key words: Violence, gender, psychological problem, aggression, coping strategies, psychological defense, psychoanalysis, types of violence, personal violence, collective violence, suicidal behavior, psychological mechanism.

КИРИШ

Аёлларга нисбатан зўравонлик аёлларнинг ҳаёти ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун энг асосий таҳдиддир. Бу муаммо миллий ва халқаро миқёсда белгиланган сиёsat ва аёлларни қўллаб-қувватлашга қарамасдан, бутун дунёда мавжуд муаммодир. Зўравонлик-кўп киррали, яхлит, инклузив режалар ва қонуний йўл билан билан, умумий ва ижтимоий даражада қатъий қурашни талаб қиласди. Аёлларга нисбатан зўравонлик кўплаб мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам долзарб бўлиб қолаётган муаммодир. Аёлларга нисбатан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва аёлларга нисбатан камситишнинг шаклларидан бири бўлган зўравонлик муаммосини ўрганиш ва уни олдини олишда илмий тадқиқот ишлари бугунги кунда ижтимоий фанлар олдида турган долзарб муаммодир. Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси ниҳоятда мураккаб ва унга қарши амалий қурашиш қийин. Зўравонликнинг мақсади-аёлларнинг хатти-ҳаракатларини қўрқувга асосланган ҳолда назорат қилишдир. Барча зўравонлик ҳолатларида эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлиб, аёлларга нисбатан зўравонлик билвосита, бевосита ва индивидуал амалга оширилади. Эркаклар фойдасига куч номутаносиблиги мавжудлиги индикатор сифатида зўравонликка дучор бўлишига олиб келади. Аёлларга нисбатан зўравонлик, аёлларнинг ҳаёти, саломатлиги ва овқатланиши, таълим, ривожланиш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда иштирок этиш каби асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган муҳим ижтимоий- психологияк муаммодир. Хорижда, хусусан АҚШ, Беларусия, Россия ва бир қатор МДҲ давлатларида мазкур муаммо ўзига хос тарзда, асосан оиласи зўравонлик, оиласидаги инқизор ҳолатлари кўринишида ўрганилаган бўлиб, Президентимиз томонидан 2019 йил 2-сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, бизда ҳам психологик, социологик, юридик ва иқтисодий томондан кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Психологияда Фрейд "ўлим инстинкти" деб атаган. Необихевиоризм зўравонликни умидсизлик оқибати деб билади, шахс томонидан ижтимоий таълим жараёнида бошдан кечирилади (Ж. Доллард, Н. Миллер, А. Бандура). Интерактивизм мақсаднинг натижасидир деб қаралади. Д. Кемпбелл, М. Шерифларча, зўравонлик психологик жиҳатдан шахслар ва ижтимоий гурухларнинг "манфаатлар тўқнашуви", "мақсадларнинг номувофиқлиги"дир. Когнитив психология зўравонликнинг ўн тўрт когнитив майдони мавжуд деб ҳисоблайди "диссонанслар" ва "мос келмаслик" натижасида зўравонлик юзага келади деб ҳисоблайди. Ҳар қандай зўравонликнинг замирида тажовузкор хатти-ҳаракатлар ётади. Эркаклар ва аёллар ўзларининг тажовузкор муносабатлари билан фарқ қиласди. Эркаклар ўзларида айборлик ва ташвишни камроқ ҳис қилишади. Аёллар тажовуз натижаси нима бўлиши мумкинлиги ҳақида кўпроқ ташвишланадилар [5].

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Зўравонлик ҳодисасининг турли хил таснифланишининг сабаби жуда мураккаб тузилишга эга эканидадир. Зўравонликнинг жисмоний, жинсий, психологик, иқтисодий

турлари мавжуд бўлиши билан бирга психологик жиҳатдан маҳрумлик ва эътиборсизлик , ўз-ўзини бошқаришнинг бузилиши, шахслараро ва жамоавий турли даражадаги муаммолар каби сабаб-оқибатлари мавжуддир.

Э.С.Фоминих зўравонлиқдан жабрланганларнинг психологик механизмларини ўрганараб экан, жабрланувчидан зўравон шахсга қарши туриш кўникмаси яхши шаклланмаганлигини, аксинча, зўравон шахсда эса, ўз обьектига шахсий мулк сифатида қарап тенденсияси яққол номоён бўлади[5].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

А.А.Максименков ва А.В.Мойоровлар зўравонлиқдан жабрланган аёлларнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишади ва уларда потологик қўрқоқлик ва юмшоқлик, истеря, ўзини бошқаролмаслик ва ригидлик каби психопат шахсга хос хусусиятларни ҳам текшириш кераклигини таъкидлайдилар[3]. А.М. Матусевич и Л.В. Кубышколар зўравонлик қурбонларига хос психологик хусусиятларига ўз-ўзини етарлича қадрламаслик, эмпатия, субъектив назорат даражасининг пастлиги, доимий ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжнинг юқорилиги, мулоқот кўникмасининг камлиги, умидсизлик хиссининг юқорилиги кабиларни киритадилар[2]. Бир қатор долзарб психологик тадқиқотларда зўравонликка учраган аёлларнинг зўравонликка мойиллигини аниқлаш, ўрганиш а тушунтиришга ҳаракт қилинади(А.М. Баришполец, А.Ю. Холодов, В.С. Киселев, Н.Н. Биктина).

А.М. Баришполец ва А.Ю. Холодовлар кўпинча зўравонлик қурбони бўлган аёлларда кучли химоя механизми, ўз хафсизлигидан доимий хавотир, хаддан ташқари эҳтиёткорликка мойиллик, ортиқча итоаткорлик ва пассив ҳаётй позиция мавжуд деган хulosага келадилар. Хулқ-атвордаги ҳадда ташқари эҳтиёткорликни “Поссив хатти-ҳаракатлар модели” сифатида кўрсатадилар. Шунингдек, аёллар билан боғлиқ зўравонлик холатларини А.Б. Орлов, С.С. Константинова, В.А. Маликова, А.С. Зубрицкая, А.А. Семерикова и Н.Р. Анисимова, Е.А. Ератина и В.А. Ефремовалар ўргангандар. А.Б.Орловнинг сўзларига кўра, оиласдаги психологик зўравонликнинг пассив жиҳати зўравонлик қурбонларининг шахсий ва психологик хусусиятлари билан боғлиқ. Унинг хulosларига кўра, психологик зўравонликнинг қурбонларининг аксарияти ўзига ва ҳаётга бўлган ишончини паст, ўзини англашда психологик муаммолари мавжуд, доимий ташки назорат, ўзидан ташвишланиш, коммуникатив қобилиятсиз ва ўзини паст баҳолайдилар[8].

С.С.Константинова фикрича, жабрланувчининг вазияти ташки томондан бўладиган таъсир ва бошқарувга боғлиқ бўлиши мумкинлигини тахмин қиласди, асоссиз айборлик ва муаммони рад этиш ўзига нисбатан танқидий қарап билан боғлиқ бўлиши мумкин[6]. А.С.Зубрицкая фикрича, зўравонлик қурбони бўлган аёллар ташқаридан назорат қилинади ва улар қачонлардир вазият ижобий томонга ўзгаришига, “назоратчи” раҳмшавқат қилишига ишонадилар.Оилавий зўравонликка учраган аёлларнинг атиги 3 фоизи ўзини- ўзи (ички) назорат қиласдилар. Бундан ташқари, аёллар ўзларида кучли айборлик туйғусини хис қилишлари, зўравоннинг хатти-ҳаракатини, танқид қилиш, текшириш ва вазиятни баҳолаш қобилиятларини пасайишига сабаб бўлади[1].

МУҲОКАМА

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, зўравонлик инсон ҳаётининг ҳар қандай соҳасида номоён бўлиши (психологик, иқтисодий, жисмоний, жинсий, майший). Оилавий

муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, хотин- қизларга нисбатан қилинадиган зўравонлик холатларининг асосий қисми оила аъзолари томонидан содир этилади.” Оилада зўравонлик” тушунчасини биринчи марта И.Г.Малкиной-Пых, А.В. Выгодской, С.Я.Саламовой , Э.Г. Круг ва бошқалар ўз тадқиқотларида келтириб ўтганлар. ЖССТ эксперталари (Э.Г.Круг ва унинг хамкаслари) оиладаги зўравонлик тушунчасини қуидагича изоҳлайдилар:”Оила аъзолари ва шериклар ўртасида содир бўладиган зўравонлик (одатда доимий бўлмаса)” [7].


И.Г.Малкиной-Пых оиладаги зўравонликка “хулқ-автор тизими” сифатида қарайди. Бир киши бошқа шахс устидан бошқарув ва назоратни ушлаб қолишга қаратилган харакат сифатида таърифлайди. Зўравонлик таъсирида тўсатдан пайдо бўладиган негатив импулслар ҳиссий жиҳатдан этук бўлмаган одамларда ва шундай муаммоли оилаларда ортади. Зўравонлик муҳити сифатида оиланинг иккита муҳим жиҳатини қайд этиш лозим.Биринчи жиҳат - оиладаги зўравонлик, иккинчиси - зўравонликка мойил оила.

Бу унинг аъзолари билан оиладан ташқарига чиқадиган ўлчовдир. Оилавий зўравонликнинг иккита асосий қурбони мавжуд:Аёллар ва болалар. Эркакларда ўз аёлларига кўпинча, жисмонан ва субъектив (ахлоқий) тайзиқ ўтказиши холатлари мавжуд[4]. Хар қандай зўравонлик харакати субъект ва объект муносабати мавжудлиги билан характерланади. Бунда зўравонлик субъекти зўравонлик харакатини содир этган шахсдир. Зўравонлик объекти зўравонлик қурбони бўлган шахсдир.


ХУЛОСА

Зўравонлик аёлларга турли хил таъсир кўрсатса-да, умумий психологик таъсиrlари мавжуд, жумладан қайси тури ва кўриниши бўлишидан қатъий назар зўарвонликни бошдан кечирган аёлларда умумий хислар ва холатлар кузатилади.Булар: Шармандалик хисси, айборлик, қўркув, ғазаб, ташвиш, ёлғизлик, омадсизлик ҳисси, ўзини қобилиятиз хисоблаш, одамларга ишонишмаслик, қадрсизлик, ўзини паст баҳолаш ёки етарлича баҳоламаслик, ўз-ўзидан норозилик, ташвиш, травмадан кейинги стресс, депрессия, диққатни жамлашда қийинчилик, суицид қилиш фикри ва уринишлари, ўз-ўзига зарар этказиши, ғазабланиш кабилардир. Мазкур жараёнда ҳиссий ёпиқлик, атроф- муҳитга нейтраллик каби холатлар ҳам кузатилади.Бу эса мазкур аёлларни ўз-ўзини изоляцияга солишларига ва социумдан четланишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур назарий маълумотлар ва тадқиқотларнинг ўзиёқ хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ижтимоий-психологик муаммо ва оилавий муносабатларга кучли таъсир кўрсатувчи механизм эканини кўрсатади. Бизнингча, ҳар қандай зўравонлик ҳолатининг асосида психологик механизм мавжуддир. Тадқиқотимиз доирасида жамиятдаги турли ёш ва ижтимоий соҳа вакиллари ўртасида зўравонлик муаммосини ўрганишга бағишлиланган ижтимоий-психологик сўровномалар ўтказдик. Жумладан: Сўровномамиизда қатнашган синалувчининг баъзи жавобларини келтириб ўтамиз;

1. Оилада зўравонликнинг қандай кўринишлари кўпроқ учрайди?




2. Зўравонлик ҳолатларига муносабатингиз?



Зўравонлиқдан жабрланганларга ёрдам марказларининг ишонч телефонларини биласизми?



Оилада бешафқат муносабатга, уй зўравонлигига
кимлар кўпроқ учрайди?



Сўровнома таҳлиллари шуни кўрсатадики, зўравонлик холатларининг олдини олишда оила мухити ва шахснинг ўз-ўзини баҳолаши, психологик саводхонлик даражасининг юкори бўлиши мухим кўрсатгичлардан биридир. Зўравонлик муаммосини долзарблиги шундаки, кўпинча унинг қурбони бўлган шахс бу тўғрисида очиқ айтиб, муаммосига ечим топиш ўрнига гапирмасликни ва чидаб давом этишни авфзал билади. Натижада, зўравон шахснинг зўравонлик даражаси ортиб бораверади. Бизнингча, аёлларга нисбатан зўравонликни олидини олишга доир профлактик тадбирлар ўтказилиши билан бир қаторда мазкур муаммонинг ечими сифатида қизларимизни психологик саводхонлигини ошириш зарур. Шунингдек, аёлларга нисбатан зўравонлик холатларининг катта кўпчилиги оиласи муносабатлар таъсири ва доирасида келиб чиқшини инобатга олган ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш масаласини психологик томонларини кўриб чиқиш хам мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Зубрицкая, А.С. Особенности психологической помощи женщинам, пострадавшим от домашнего насилия// вестник тихоокеанского государственного экономического университета. N 3/2009. С. 77-87.
2. Матусевич, А.М. Психологические аспекты виктимности // Молодой ученый. 2014. № 8 (67). С. 924-927. URL: <https://moluch.ru/archive/67/11321/> (дата обращения: 14.12.2021).
3. Максименков, А.А., Майоров, А.В. Психологические аспекты виктимности// Виктимология. 2015. №4 (6). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskie-aspeky-viktimnosti> (дата обращения: 13.12.2021).
4. Мазан Юлия Федоровна «Проблема насилия над женщиной в семье» Минск-2015г.
5. Фоминых, Е.С. Психологические механизмы виктимности // Концепт. 2014. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskiemehanizmy-viktimnosti> (дата обращения: 13.12.2021).
6. Константинова, С.С. Факторы, определяющие виктимность личности // Виктимность и виктимологическая профилактика: Материалы круглого стола по

дисциплине «Психология отклоняющегося поведения». Тверь: Твер. гос. ун-т, 2019. С. 21-25.

7. Насилие и его влияние на здоровье. Доклад о ситуации в мире /Под ред. Этьенна Г. Круга и др./ Пер. с англ. М: Издательство «Весь Мир», 2003. 376с.
8. Орлов, А.Б. Психологическое насилие в семье — определение, аспекты, основные направления оказания психологической помощи // Психолог в детском саду. 2000. № 2-3.